# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЬЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ

***Маматкулов Бахтиёр Халмурадович***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*
*“Иқтисодий статистика” кафедраси профессори,*
*иқтисодиёт фанлари доктори*

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнесни бошқаришнинг методологик асосларини тадкиқ этишда, бошқарув назарияси амалиётининг ривожланиш даврларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, ҳозирги рақамли иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш бўйича хулосалар келтирилган.

**Таянч тушунчалар.** Кичик бизнес, тадбиркорлик, модернизация, инфляция, истеъмол нархлари, қулай ишбилармонлик муҳити, кичик корхона ва микрофирмалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармонининг **29-мақсадида -** “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш”[1] таъкидлаб ўтилган.

Кичик бизнес(тадбиркорлик)ни нафақат сон жиҳатдан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатдан ҳам ривожлантириш, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Кичик бизнесга имтиёзли кредитлар ажратиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳар бир босқичида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланмаган фуқароларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ва маҳаллаларида кулолчилик, наққошлик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, аҳоли эҳтиёжларини қиш мавсумида ҳам қондириш учун иссиқхоналар ташкил қилиш ҳисобига кичик тадбиркорлик фаолиятида ижобий натижаларга эришилмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ. // https://lex.uz/docs/5841063.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасида ҳам кузатиш мумкин. Аввало, кичик тадбиркорлик кўлами жиддий кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2023 йилда 2010 йилга нисбатан 9,6 пунктга, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида эса шу йиллар давомида 0,3 пунктга, қурилиш ишлаб чиқаришининг ҳажмини 22,2 пунктга, ошганлигини кўришимиз мумкин. (1-жадвал).

**1-жадвал**

**2010-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнеснинг улуши,** *(умумий хажмга нисбатан % да)*

| Йиллар | ЯИМ | Саноат | Қурилиш |
|---|---|---|---|
| 2010 | 60,8 | 26,6 | 52,5 |
| 2011 | 61,9 | 28,6 | 67,6 |
| 2012 | 60,8 | 29,7 | 70,0 |
| 2013 | 60,9 | 33,0 | 70,6 |
| 2014 | 61,9 | 36,8 | 69,5 |
| 2015 | 64,6 | 40,6 | 66,7 |
| 2016 | 66,8 | 45,3 | 66,9 |
| 2017 | 65,3 | 41,2 | 64,8 |
| 2018 | 62,4 | 37,4 | 73,2 |
| 2019 | 56,0 | 25,8 | 75,8 |
| 2020 | 54,8 | 27,9 | 72,5 |
| 2021 | 54,1 | 27,4 | 72,5 |
| 2022 | 51,8 | 26,0 | 71,5 |
| 2023 | 51,2 | 26,9 | 74,7 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2010-2023 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бошқарув усуллари асосида бошқарув фаолиятининг муҳим вазифалари амалга оширилади. Шу сабабли, иқтисодий илмий адабиётларда бошқарув усулларининг мазмуни, объекти ва таснифининг битта атамаси мавжуд эмас. Айрим олимлар, бошқарув усулларининг таркибига, бошқарилаётган тизимга – иқтисодий, маъмурий, ижтимоий таъсир кўрсатаётган ташкилий шаклига қараб таснифлайди. Шу билан бирга, табиий равишда бошқарув усуллари бир-бирини тўлдиргшан ҳолда, доимо динамик мувозанатни ушлаб туради. Кабушкин бу усуллардан айримларини келтириб ўтди: - “ташкилий-маъмурий, тўғридан-тўғри кўрсатмаларга асосланган; - иқтисодий, иқтисодий рағбатлантириш

асосида; - ижтимоий психологик, ходимларнинг фаоллигини ошириш учун ишлатилади”[2].

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан янги иш ўринларини яратишда касаначилик фаолиятини кенгайтириш орқали эришишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу тармоқлар кесимида 2010 йили кичик тадбиркорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар бўйича 2-жадвалимизда кўриб чиқамиз.

**2-жадвал**

**2023 йилда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %**

| Кўрсаткичлар | Саноат | Қурилиш | Импорт | Экспорт |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | 26,9 | 74,7 | 45,7 | 29 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 28,3 | 90 | 66,5 | 27,6 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 22 | 96 | 18,1 | 29,2 |
| Бухоро | 30,2 | 84,5 | 52 | 45,9 |
| Жиззах | 24,4 | 93,9 | 57 | 43,5 |
| Қашқадарё | 22,4 | 73,8 | 72,4 | 22,2 |
| Навоий | 7,7 | 79 | 41,5 | 9 |
| Наманган | 47,2 | 91,7 | 63,7 | 41 |
| Самарқанд | 44,6 | 82,9 | 34,4 | 42,3 |
| Сурхондарё | 47,3 | 91,3 | 81,8 | 72,4 |
| Сирдарё | 31,3 | 76,2 | 82,7 | 63,4 |
| Тошкент | 23,7 | 79,4 | 59 | 32,5 |
| Фарғона | 49,2 | 76,7 | 76,5 | 68,4 |
| Хоразм | 16,3 | 90,4 | 64,7 | 64,2 |
| Тошкент ш. | 37,8 | 71,7 | 42,1 | 24,1 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди..

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибтики, ҳудудлар бўйича соҳаларнинг юқори улушилари қўйидагича: саноат соҳасида - Фарғона (49,2 %), Сурхондарё (47,3 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (37,8 %) га тўғри келади. Қурилишда - Андижон (96,0 %), Жиззах (93,9 %), Самарқанд (98,3 %), %), Сурхондарё (91,3 %) вилоятларига тўғри келади. (2-жадвал)

**3-жадвал**

[2] Кабушкин И.Н. Основы менеджмента: учеб. пособие. 11-е изд., испр – М.: Новое издание, 2009. – 336 с.

**Ўзбекистон Республикасида ичик бизнес (тадбиркорлик) субъектларида банд бўлганлар сонининг ўзгариш динамикаси**

| Йиллар | Кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони, минг киши (Y) | Абсолют қўшимча ўсиш, минг киши | | Ўсиш суръати, % | | Қўшимча ўсиш суръати, % | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Базисли $y_i - y_0$ | Занжирли $y_i - y_{i-1}$ | Базисли $(У_i/Y_0)$ x100 | Занжирли $(У_i/Y_{i-1})$ x 100 | Базисли $[(У_i/Y_0)$ x 100]-100 | Занжирли $[(У_i/Y_{i-1})$ 100]-100 |
| 2010 | 8643,9 | - | - | - | - | - | - |
| 2011 | 8950,7 | 306,8 | 306,8 | 103,5 | 103,5 | 3,5 | 3,5 |
| 2012 | 9239,7 | 595,8 | 289 | 106,9 | 103,2 | 6,9 | 3,2 |
| 2013 | 9604 | 960,1 | 364,3 | 111,1 | 103,9 | 11,1 | 3,9 |
| 2014 | 9950,8 | 1306,9 | 346,8 | 115,1 | 103,6 | 15,1 | 3,6 |
| 2015 | 10170,4 | 1526,5 | 219,6 | 117,7 | 102,2 | 17,7 | 2,2 |
| 2016 | 10397,5 | 1753,6 | 227,1 | 120,3 | 102,2 | 20,3 | 2,2 |
| 2017 | 10541,5 | 1897,6 | 144 | 122,0 | 101,4 | 22,0 | 1,4 |
| 2018 | 10128,8 | 1484,9 | -412,7 | 117,2 | 96,1 | 17,2 | -3,9 |
| 2019 | 10318,9 | 1675 | 190,1 | 119,4 | 101,9 | 19,4 | 1,9 |
| 2020 | 9865,7 | 1221,8 | -453,2 | 114,1 | 95,6 | 14,1 | -4,4 |
| 2021 | 10080,6 | 1436,7 | 214,9 | 116,6 | 102,2 | 16,6 | 2,2 |
| 2022 | 10131,1 | 1487,2 | 50,5 | 117,2 | 100,5 | 17,2 | 0,5 |
| 2023 | 10421,0 | 1777,1 | 289,9 | 120,6 | 102,9 | 20,6 | 2,9 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2010-2023 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шунга мувофиқ, кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сонининг ўзгариш динамикаси 2010 йилда 8643,9 минг киши, 2023 йилда 10421 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010-2023 йиллар давомида ушбу кўрсаткич ўсиш тенденцияси кузатилган.(3-жадвал)

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнесни янада самарали бошқаришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ҳамда таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимиз кичик бизнес субъектларининг самарали бошқариш фаолиятига тўсқинлик қилаётган, ҳалал бераётган ёки содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларни равишда ўрганиб бориш ва тезкорлик билан вақтида бартараф қилиш чораларини кўриш;
- республикамиз ҳудудлари бўйича самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисида аниқ маълумотларни қисқа муддатларда олиниши ва уларнинг кичик бизнес субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
- мамлакатимиз кичик бизнесни бошқариш фаолияти учун қулай муҳит яратиш бўйича ҳар бир ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;
- кичик бизнесни бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- мамлакатимиз ҳудудларидаги кичик бизнес субъектларининг энергия, сув, газ ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ. // https://lex.uz/docs/5841063.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сонли Қарори. (lex.uz)
3. Кремин А.Е. Управление экономикой региона на основе развития малого бизнеса. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. СанктПетербург 2018 г.27 с
4. Кабушкин И.Н. Основы менеджмента: учеб. пособие. 11-е изд., испр – М.: Новое издание, 2009. – 336 с
5. www. Stat.uz.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг сайти.
6. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali, 3-сон*.
7. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish https://gospodarkainnowacje.plindex phpissue_view_32articleview1910
8. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O‘quv qo‘llanma / O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta'lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.

9. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o‘quv qo‘llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.

10. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

11. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.

12. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.

13. Қличев, Б. (2022). KPI ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, *2*(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343

14. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906

15. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

16. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 205 b.

17. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, *26*(3), 86–94. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251

18. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. World scientific research journal, 26(2), 199-205.

19. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, *2*(0002).

20. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).

21. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).

22. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, *2*(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373

23. *Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173.* https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173

24. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic_Press, 2(0002).

25. *Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to‘plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil.* https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171

26. *Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ,13(7), 42–49. Retrieved from* http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782

27. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.-URL:https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494

28. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali, 26(3), 132–140. http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256